

### МЕДИАДА КОНТЕНТ ТАҲЛИЛ ТУШУНЧАСИ

Мадинабону Нурутдинова,  
ЎзЖОКУ

Ахрор Аҳмедов,  
ЎзЖОКУ

*Abstract.* This article focuses on the concept of content, analysis methods and its history. Qualitative indicators of content analysis are studied.

**Keywords:** content, analysis, strategy, research, programming.

*Аннотация.* Ушбу мақолада контент тушунчаси, таҳлиллаш методлари ва унинг тарихига тўхталиб ўтилган. Контент таҳлилнинг сифат кўрсаткичлари келиб чиқиши анамнезлари ўрганилган.

**Калим сўзлар:** контент, таҳлил, стратегия, тадқиқот, дастурлаш.

Контент таҳлил (content analyse) инглиз тилидан контентни таҳлил қилиш фанлар соҳасидаги стандарт тадқиқот мониторинги ҳисобланади. Матн таркиби ва коммуникатив ёзишмаларни ўрганиш усули сифатида ҳам тилга олинади. Таҳлил асосан ғоя мавзуси ва матн таркибидан келиб чиқиб ёндашилади. Таҳлил қилинишдаги асосий мақсад онлайн контент фаолиятини ижобий жиҳатдан ўстириш ва яхшилаш мақсадида турли тадқиқотларни амалга оширишдир. Сифат кўрсаткичларини ўрганиб бориш мақсадида мутахассислар контент таҳлилдан келиб чиққан ҳолда, объект учун янги фаолият йўналишлари ва таклифларни ишлаб чиқади. Хулоса натижалари турли муаммолар ва асосий камчилик нуқталари аниқланиб, керакли стратегиялар аниқлаб берилади.

Матннинг таркиби, формати ўрганилиб уни турли дастурлар асосида таҳлиллаш ёки умумий мазмундан мантиқий медиаметрик баҳолов ўтказиш мумкин.

Мавжуд контентни таҳлиллаш техникаси айниқса глобаллашув асрида кенг оммалашиб бормоқда. Бунга асосий сабаб бугунги кун истеъмолчиси ахборот кўламининг ошиб бориши ёки коммуникация майдонида улкан маълумотлар бўшлиғининг ҳосил бўлишидандир. Бундай вазиятда контент яратувчилар истеъмолчининг диққатини тортиш борасида турли ишларни амалга оширади. Матнда диққатни тортиш амалиёти фанда “Hook”, яъни илмоқ номи билан машҳур. Бу ҳақда кейинги фаслларимизда батафсил тўхталиб ўтамыз.

Турли соҳалар ёки фанларнинг истеъмолчиларга нисбатан матн самарадорлигини ошириш мақсадида техник таҳлиллаш ишлари амалга оширилган. Бунда асосан махсус мослаштирилган дастурлардан кенг фойдаланилар эди. Аммо мазкур роботлаштирилган дастурларга қадар

# ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

контентларни амалий таҳлил қилиш амалиёти қўл меҳнати ёрдамида бирма бир қилинган тарихдан мавжуд маълум. Мисол сифатида бир қанча назарий келтириш мумкин. Масалан, XVIII асрда Швециядаги аксарият босмаҳоналарда китоблар сифати ва контент таркибини ўрганувчи махсус гуруҳ мавжуд бўлган<sup>1</sup>. Ушбу гуруҳнинг фаолияти асосан чоп қилинаётган китобларни ўқиб ўрганиб чиқиш бўлган. Мазкур гуруҳ ҳукумат ёки қироллик оиласи томонидан молиялаштириб борилган. Аммо айнан тўлиқ контентларни таҳлиллаш методикасининг замонавий намуналари АҚШ олимлари (Б. Меттью, А. Тенни)га тегишли. Ушбу методикага биноан, 30 йилларда махсус таҳлиллаш усуллари ўйлаб топилган. Бу тахминан XIX асрдаги контентларни медиаметрик баҳоловчи методик усуллар сифатида машҳур. Контентларни ўрганиш амалиёти тадқиқотчиларнинг наздида содда ва интуитив ҳодиса сифатида баҳоланади. Матнларни ўрганаётганда ундаги таркиб, мазмун ва барча компонентларни турли даражада қисман тушуниб олишимиз ҳам таҳлилнинг бир қисми ҳисобланади. Контентларни таҳлиллаш методикаларининг асосий вазифаси ана шу ғоявий мантиқни бирлаштириш асосида матн самарадорлигини оширишга қаратилади.

Матнларни таҳлиллаш амалиёти билан боғлиқ бир қанча жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ахборот билан ишлашга ихтисослашган барча соҳаларда мавжуд бўлган. Жумладан, сиёсат, иқтисод, социология, биология, тиббиёт, психология, математика ҳамда замонавий технологиялар амалиёти фикримизнинг исботидир. Аммо ҳар бир соҳада уни қўллаш ва амалиётга тадбиқ қилиш усуллари турлича аҳамият касб этади.

**Қизик бир маълумот! Габриэл Лассуел<sup>2</sup> иккинчи жаҳон уруши давридаги жараёнда чоп қилинган барча манбаларни таҳлил қилиш техникасини ишлаб чиққан эди.** Ундаги методикага кўра матнларнинг асосий ташвиқот қилиш амалиёти ўрганилган. **Ёки яна бир мисол!** Иқтисодий контентларни таҳлил қилишда кўпроқ статистик амалиёт босқичлари ҳисобга олинган. Яъни бозордаги молиявий аҳвол, бугунги куннинг инфляция даражаси ёки аҳолининг умумий иқтисодий аҳволи шулар жумласига киради.

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org/>

<sup>2</sup> Гарольд Дуайт Лассуэль АҚШда истиқомат қилган политолог (1902 й)

# ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

## Адабиётлар рўйхати:

1. Амзин А, Галустян А., Гатов В., Кастельс М., Кульчицкая Д., Лосева Н., Паркс М., Паранько С., Силантьева О. под науч. ред. Балмаевой С. и Лукиной М. — Екатеринбург: Гуманитарный университет, 2016. — С. 304
2. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования М.: Academia, 2004 .- 944 с. 47с.
3. Балагушкин. Е., Белл Д. // Культурология. Энциклопедия. В 2-х т. / Гл. ред. и авт. проекта [С. Я. Левит](#). — М.: [Российская политическая энциклопедия.](#), 2007 г. — Т. 1. — С. 169—170. — 1392.
4. Бабасов Е.. Бернштейн. В. Технологический детерменизм. Гуманитарная энциклопедия. (Электронный ресурс) 2002-2018. <https://gtmarket.ru>